



КОРРУПЦИЯ – МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИНИНГ ТАНАЗЗУЛИ.

Қулдашев А.У.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус
касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17735045>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-noyabr 2025 yil
Ma'qullandi: 23-noyabr 2025 yil
Nashr qilindi: 27-noyabr 2025 yil

KEY WORDS

коррупция, давлат бошқаруви,
шаффофлик, очиқлик,
коррупцияга қарши кураш, қонун
устуворлиги, жамоатчилик
назорати, рақамлаштириш,
иқтисодий хавфсизлик, давлат
хизмати, халқаро тажриба.

ABSTRACT

Мазкур мақолада коррупциянинг жамият тараққиётига, давлат бошқаруви ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига кўрсатадиган салбий таъсири тизимли равишда таҳлил этилган. Тадқиқотда коррупция жиноятининг илдиз омиллари, унинг давлат институтларига бўлган ишончни сусайтириши, инвестицион муҳитга путур етказиши ҳамда қонун устуворлигига салбий таъсири ёритилади. Шунингдек, халқаро тажриба асосида коррупцияни олдини олишнинг самарали механизмлари, хусусан, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, давлат хизматлари рақамлаштирилишини кенгайтириш, давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича таклифлар илгари сурилади. Мақола якунида коррупцияга қарши курашнинг комплекс ёндашув асосида амалга оширилиши мамлакат келажагини барқарор ривожлантиришнинг муҳим шарти экани асослаб берилган.

Ер юзида инсоният пайдо бўлганидан то бугунги инсониятнинг ривожланиши маълум бир чўққига етган ҳозирги кунга қадар инсоният ривожланишига мутаносиб бир қанча ҳуқуқбузарлик турлари пайдо бўлган бўлиб, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг орасида энг оғир тури сифатида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни қайд этишимиз мумкин. Сабаби, коррупция – ҳар қандай мамлакатнинг миллий давлатчилик асослари, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига жиддий хавф солади, фуқароларнинг ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва давлат органларига бўлган ишончини сусайтиради.

Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан

эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”¹ деб, бежиз таъкидламаган эди.

Дарҳақиқат, коррупция давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келади, барча жамоатчилик институтларининг нормал фаолият юритиши ва механизмига путур еткази, жамиятда давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизликни вужудга келтиради ҳамда мамлакат хавфсизлигига хавф туғдиради, шунингдек, мамлакатнинг молиявий-иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, давлат бошқаруви ва тадбиркорликнинг самарадорлигини пасайтиради, инвестицион муҳитни ёмонлаштиради, ижтимоий тенгсизлик келтириб чиқаради.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда давлат ва жамият келажагининг таназзули бўлмиш – коррупцияга қарши кураш халқаро миқёсдаги каби республикамизда ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади. Хусусан, коррупция сўзи, лотинча «*corruptio*»дан олинган бўлиб, «сотиб олиш», «пора» деган маъноларни билдиради². Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Коррупцияга қарши конвенцияси»да «коррупция – шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш»³ деб қайд этилган.

Дарҳақиқат, жаҳон ҳамжамияти томонидан тез-тез такрорланиб турган ушбу тушунчага Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»⁴ги қонунида «Коррупция – шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш» деб, таъриф берилган.

Баъзи мутахассислар фикрича, коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ жиноят. Коррупция деганда, аксарият ҳолларда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларини кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади⁵.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда жаҳон миқёсида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланган бўлиб, замон билан ҳамнафас такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси, Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси, Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация, Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 24 январь) // <https://nrm.uz>.

² Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 84.

³ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁵ Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари. Маъруза матни. –Т., 2013. –Б. 2.

конвенцияси, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг қабул қилингани мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда десак муболаға бўлмайди назаримизда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжатлардан бири бўлиб, бугунги кунда дунёнинг 130 дан ортиқ давлатлари томонидан ратификация қилинган. Мазкур ҳужжатда коррупция жиноятининг моҳияти очиб берилган ва унга қарши кураш чоралари белгилаб қўйилган.

Шу ўринда, ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий функцияларининг талаб даражасида бажарилишига қаршилик кўрсатиши боис коррупцияни миллий хавфсизликка таҳдид сифатида қайд этишимиз мумкин.

Юртимизда ҳозирги кунда коррупция иллатига қарши курашиш борасида қабул қилинган халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан бирга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган миллий ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт йил сайин шаклланиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Яъни, давлатимиз ва жамиятимиз келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларга қарши кураш, давлат қурилиши ва бошқарувининг барча соҳаларида демократик ислоҳотлар ўтказиш, хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган ва Конституцияга асосланган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган бўлиб, замон билан ҳамнафас такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, юртимизда сўнгги йилларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга мурасасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларининг қабул қилинишини ҳамда Олий Мажлис палаталарида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталар ташкил этилганлигини мисол тариқасида қайд этишимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда юртимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, давлат органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»⁶ги қонуннинг қабул қилиниши билан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши кураш бўйича мамлакатимиз халқаро мажбуриятларни қабул қилди.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича самарадорликни ошириш, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, юртимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»⁷ги қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 20 га яқин моддасида коррупция билан боғлиқ жиноий қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда нафақат дунё миқёсида, балки юртимизда ҳам иқтисодий янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупциянинг турли кўринишларини сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда. Хусусан, ҳозирги тезкор замонда давлат ва жамият келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга қарши курашишда фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси муҳим ўрин тутди. Чунки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш орқали ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг асосини ташкил этади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, агар маълум бир давлатда унинг органлари ва мансабдор шахслари ўртасида коррупция ҳолатлари кучайиб, ривожланиб борса, мазкур ҳолатга қарши ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаса, мазкур давлат қанчалик қудратли бўлмасин, ер ости ва усти бойликларга эга бўлмасин, унинг натижаси нафақат иқтисодий, балки, сиёсий инқироз билан яқун топиши табиийдир ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бугунги кунда жамиятимизда фуқаролар ўртасидаги ижтимоий адолатга тўсқинлик қилади, давлат органларига нисбатан халқ ишончини сусайтиради, давлатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатади, қолаверса жамиятдаги маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келади.

Мамлакатимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларга қарши курашишда мазкур фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда ташкилотлари томонидан қуйидаги амалий тадбирларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир:

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатни комплекс ўрганиш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ва тизимли таҳлил қилиш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш шарт-шароитларини аниқлаш бўйича чора-

⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш;

- давлат органлари ва ташкилотларида доимий равишда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши кураш фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар томонидан илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш;

- мамлакатимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда номзодларни шаффоф танловлар асосида саралаб олишнинг замонавий янги механизмларини жорий этиш ва ёшларда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқараш ҳамда мустақкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш;

- юртимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишни давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг асосий вазифаси сифатида белгилаш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда давлат органлари ва ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларида кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошириш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, давлат ва жамият келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати изчил ва самарали ҳамда ҳар томонлама тўлиқ амалга оширилиши давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларига фуқароларнинг ишончи ортишига, давлат органлари ваколатига кирувчи масалаларни ўз вақтида, аниқ ва холис ҳал қилинишига, пировардида, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимизнинг бахту-иқболи ва фаровонлиги ҳамда мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, халқаро обрў-эътибори ва нуфузи ошиши ҳамда таъминланишига хизмат қилади.